



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Shaxrizoda Xolmirzaeva</b> Mehmonxonada sifatni boshqarish tizimini yo'lga qo'yish	148
<b>Мохигул Эркиновна Ахтамова</b> Управление бизнесом в Республике Узбекистан и пути её совершенствования	150
<b>Бахтиёр Васиевич Насимов</b> Идентификация основных проблем и вызовов, связанных с управлением производственными запасами	156
<b>Qobiljon Qaxramon o'g'li Shodmonov</b> Sanoat korxonalari boshqaruvi samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	162
<b>Muxabbat Sameyevna Sharipova</b> Yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida boshqaruvning strategik vazifalari	166
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Зухур Давронович Ниёзов, Шухратжон Зухурович Давронов</b> Иқтисодийда молиявий ресурсларни кўпайтириш	173
<b>Азиза Махомадризовна Каримова, Ориф Шакирович Максудов</b> Анализ предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан	179
<b>Sanjar Jaloliddin o'g'li Abdusaidov</b> Sug'urta korxonalarida MHSni qo'llashning muammo va yechimlari	184
<b>Pyos Pkhovich Ayubov, Muhriddin Ixtiyor o'g'li Ergashev</b> Valyuta bozori tahlili va uni erkinlashtirish yo'llari	189
<b>Зафаржон Яшинович Рахманов</b> Тижорат банклари фаолиятида трансформацион жараёнлар: муаммо ва ечимлар	192
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Nodirbek Xurshid o'g'li Berdiqobilov</b> Korxonalarda xarajatlarning strategik boshqaruv hisobini takomillashtirish	199
<b>Саёхат Зафаровна Зарипова</b> Ведение учета основных средств на основе международных стандартов бухгалтерского учета	203
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Sohiba Sirojiddinova Kamolova, Mohigul Xudoyberdi qizi Jamolova</b> Ta'lim jarayonida axborot texnologiyalarining imkoniyatlari	206
<b>Ithom Begmatdulobovich Mattiyev</b> Sog'lomlashtirish va dunyoqarash texnologiyasi tushunchasining mazmun-mohiyati hamda funksiyalari.	209
<b>Nigina Marupovna Usmanova, Sevinch Sobirjonovna Raxmonkulova</b> Kadrlarni saqlab qolish strategiyalarini qo'llashda kadrlar siyosatining ahamiyati	213
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ўзимизга ўзимиз ташвиш орттирмайлик	218

# МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Зухур Давронович Ниёзов – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Шухратжон Зухурович Давронов – и.ф.д., илмий тадқиқотчи

## ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ КўПАЙТИРИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада қўшимча маблағларни жалб этиш мақсадида қимматли қоғозларнинг турларидан бири бўлган векселларни муомалага чиқариш ва уларни сотиш масаласи ёритилган. Хусусан, векселларнинг барча шакллари босқичма-босқич хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чиқаришнинг илмий ва амалий асослари батафсил баён этилган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар, молия, облигация, вексель, фонд бозори, бўш пул, эмитент, бизнесни кенгайтириш, банк, пул, корпоратив, молиявий ресурслар.

**Кириш.** Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш,<sup>1</sup> мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган. Бунда қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган операцияларни, айниқса векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан босқичма-босқич чиқаришни илмий ва амалий асосда тадқиқ қилиш ва ривожлантириш зарурлиги долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар институти дунёдаги фуқаролик ҳуқуқнинг энг қадимги таркибий қисмидир. Юридик категория сифатида қимматли қоғозлар товар айланмаси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз ўрнини мустақкам эгаллади. Қимматли қоғозлар замонавий фуқаролик ҳуқуқи ва бозор иқтисодиётининг зарур институти ҳисобланади. Агар ўн йил олдин мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти бу нима эканлигини тасаввур қилишда қийналган бўлса, бозор иқтисодиёти муносабатларга киришиш бизни ушбу ҳодиса билан кўпроқ танишишга мажбур қилди.

Бироқ, бугунги кунгача қимматли қоғозларни ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари бўйича низолар тўхтовсиз давом этмоқда. Турли даврларда ҳуқуқшунос олимлар уларнинг аҳамияти ва таъсирини турлича баҳолаган ва изоҳлаган. Бу муаммо бўйича бугунги қарашлар ҳам турлича.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** “...Институционал инвесторлар фаолиятини кенгайтириш, эмитентлар бўйича чекловларни бартараф этиш мақсадида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарур”<sup>2</sup>лиги С.Элмирзаев, Ж.Бўриев, Ф.Абдурашидовлар томонларидан таъкидлаб ўтилган.

Қимматли қоғозлар мулкӣ муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш ҳамда товар-пул ва кредит муносабатларига кенг доирадаги субъектларни жалб қилиш учун яратилганлигини ҳамма бир овоздан қабул қилади. Эҳтимол, бу қимматли қоғозларнинг асосий функцияларидан биридир<sup>3</sup>.

А.А.Киячков, Л.А.Чалдаева, В.С.Торкановлар ўзларининг ишларида “қимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолиятини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозоридаги мавжуд молиявий инструментлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилганлар”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ

<sup>2</sup> Элмирзаев С., Бўриев Ж., Абдурашидов Ф. Фонд бозорини ривожлантириш иқтисодий ўсишни жадаллаштириш омили. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил. –9 бет.

<sup>3</sup> Агарков М.М. Қимматли қоғозлар доктринаси. “ВЕК.” 1994.

<sup>4</sup> Киячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономистъ, 2005 г. – 687 с.;

“Олдинда вексель операцияларини амалга оширишни ривожлантириш бўйича улкан истиқболлар турибди: векселлар биржаларини ташкиллаштириш, операцияларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини ошириш, янги технологияларни жорий қилиш. Буларнинг барчаси ишончлилиги, ҳаракатчанлиги, шаффофлиги ва шунга мос равишда иқтисодиётдаги ҳозирги ва келгусидаги муносабатларга бир неча маротаба ёрдамга келувчи, янги иқтисодий функцияларни ўз ичига оладиган иқтисодий восита”<sup>1</sup> деб иқтисодий таъриф бериб ўтилган.

Вексель векселда тўловчи сифатида кўрсатилган шахснинг вексель эгасига кўрсатилган суммани тўғридан-тўғри векселда кўрсатилган санада тўлаш бўйича сўзсиз мажбуриятини тасдиқлайди<sup>2</sup>.

У универсал тўлов, кредит ва ҳисоб воситаси бўлиб, халқаро савдода тўлов мажбурияти; қисқа муддатли тижорат-кредит воситаси; банклараро узоқ муддатли муносабатларни шакллантирувчи восита; банклардан суда олиш учун гаров тарзида кенг қўлланиладиган қимматли қоғоз.

Жаҳон тажрибасида қуйидаги шаклдаги векселлардан фойдаланилади:

- оддий вексель (қарздор томонидан муайян суммани белгиланган муддатда қайтариш ҳақида қарз берувчи олдидаги мажбурият);

- ўтказма вексель (қарз берувчининг қарзни векселни тақдим этувчига ёки ҳужжатда кўрсатилган шахсга тўлаш ҳақидаги буйруғи);

- хазина вексель. (ўз харажатларини қоплаш учун давлат томонидан чиқарилади);

- молия вексель (бир банк бошқа банкка қарз пули олиш учун беради);

- тижорат вексель. (товар эгасига гаров тарзида берилади) ва бошқа турлари мавжуд.<sup>3</sup>

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада векселни чиқаришни ривожлантириш ва қимматли қоғозлардан фойдаланиш масалаларини ўрганишда илмий абстракциялаш, қиёслаш, дедукция, анализ ва синтез усуллари, SWOT таҳлилидан фойдаланилган ҳамда илмий - амалий тавсиялар берилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Мустақил Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ 1994 йилдан бошлаб векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида<sup>4</sup> Ўзбекистонда векселлар муомалага киритилди. Векселлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг қулай воситаси сифатида корхона ва ташкилотларда кенг қўлланилди.

1995-1996 йилларда 3,4 млрд сўмлик қоғоз шаклида чиқарилган векселларни муомаладаги массасини назорат қилинмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги, кўп миқдорда (ҳужжат шаклида чиқарилган) векселларнинг сохталаштирилиши ҳолатлари ҳамда уларнинг мулкӣ таъминланмаганлиги сабабли 1997 йил майдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларига фақат Ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ векселларни чиқарилиши тартиби белгиланганлиги ордидан уларнинг муомаласи тўхтатилган.

Векселлар муомаласининг ҳуқуқий асослари бугунги кунда анча эскирган, чунки векселларнинг ўзи 2015 йилдан бери амалда қўлланилмаган. Шу муносабат билан векселлар билан операцияларни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи деярли барча ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Ҳозирги вақтда қарз ҳужжатларининг қонунчилик тартибга солувчиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎРҚ-163-сон Қонунига кўра қимматли қоғозларнинг акциялар,

<sup>1</sup> Соколов Д.В. Государство и право вестник чебоксарского кооперативного института. 2010. № 1 научной статьи по истории и археологии <https://cyberleninka.ru/journal/n/yuridicheskaya-nauka-i-praktika-vestnik-nizhegorodskoy-akademii-mvd-rossii>

<sup>2</sup> “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ЎРҚ-163-сон Қонун. 2008 йил 22-июл.

<sup>3</sup> Зияев А.Т., Тен В.А., Палванова И.П., Холмахмедов З.А.. Вексель. –Т. Шарк, 1996. ғ 16 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.03.1997 йилдаги ПФ-1738-сон.

облигациялар, жамғарма (депозит) сертификати, чек, депозитар тилхати, ғазначилик мажбуриятлари, ипотека, вексел каби турларини ўз ичига олади ва 2022 йилдан биржа облигацияси жорий этилди<sup>1</sup>.

Олдин йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда дастлаб товар векселларни чиқаришга, яъни товар ишлаб чиқариш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун, оддий векселларни эса (икки субъект ўртасидаги ўзаро мажбуриятларни бажариш учун) электрон шаклда чиқариш бунда, корхонанинг ўз маблағларининг етарлилиги бўйича маълумотлар солиқ органларининг электрон базалари билан интеграция қилиниши асосида амалга ошири, ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида рўйхатдан ўтказиш уларнинг ҳисоби Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан юретишни амалга ошириш орқалигина дастлабки ижобий натижаларга эришиш мумкин..

Ривожланган мамлакатлар ўз миллий иқтисодиётини ривожланиши учун қимматли қоғозлар бозори механизмлари ва воситалари орқали ресурсларнинг салмоқли қисмини жалб қилади. Шунинг учун ҳам дунёнинг илғор, ривожланган АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатларида аҳоли, корхона, ташкилотлар ва давлатни ўзидан вақтинча бўш пул ҳамда бошқа маблағларни жалб қилиш ва миллий иқтисодиётни ривожланишга йўналтириш имконини берувчи фонд бозорининг яхши ва ривожланган тизимлари мавжуд.

Япония Марказий банки, Швециянинг Рикс банки очиқ бозор операцияларининг объекти сифатида молиявий векселлардан кенг фойдаланса, Жанубий Корея, Россия Марказий банклари облигациялардан кенг фойдаланишади.<sup>2</sup>

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг бир қаторида векселлардан фойдаланиб келинмоқда 1-жадвал.

1-жадвал

**МДҲ давлатларида муомаладаги векселлар ва уларнинг амалиёти**

Т / Р	Давлатлар. Норматив ҳуқуқий асоси	Мавжуд турлари	Молиявий кафолати	Эмитентлари. Бозордаги хажми (млрд долл). Даромад солиғи ставкаси	Биржадаги савдоси
2	<b>Россия</b> “Оддий ва ўтказма векселлар тўғрисида”ги РФ Қонуни (11.03.1997й.)	1) <b>тижорат</b> (етказилган товарлар бўйича тўловни кечиктириб тўлаш учун); 2) <b>молиявий</b> (олинган ссудани қайтиши бўйича кафолат бериш учун); 3) <b>банк</b> (тижорат банклари томонидан бўш пул маблағларини йиғиш учун); 4) <b>фиктив</b> (субъектларни ўзаро келишувига кўра ўзаро маблағ алмашинуви учун чиқарилади).	1) юридик шахснинг асосий воситалари; 2) юридик шахснинг асосий воситалари; 3) мулк гарови; 4) гаровсиз	1) юридик шахслар; 2) муниципалитет; 3) Марказий банк; 4) тижорат банклари <b>1,4 млрд. 13%</b>	Биржа орқали савдоси ташкил этилмаган
3	<b>Қозоғистон</b> Республикаси Президентининг Фармони (21.08.1995й.)	<b>тижорат</b> (етказилган товарлар бўйича тўловни кечиктириб тўлаш учун) *қолган турдаги векселларни чиқариш ман	юридик шахснинг устав капитали ва асосий	барча юридик шахслар <b>0,5 млрд.</b> Солиқдан озод этилган	KASE (Фонд биржаси), Маркази

<sup>1</sup> Манбаа: <https://www.bss.uz/article/1276-immatli-oozlar-bozori-veksellar-nima>.

<sup>2</sup> <http://www.cbr.ru-Россия Федерацияси Марказий банкинг расмий сайти>.

	“Вексель муомаласи тўғрисида”ги Қонун (28.04.1997й.)	этилган	воситаси		й депозитарийда ҳисоби юритилди
4	<b>Белоруссия</b> Республикаси Президентининг Фармони (28.04.2006й.)	1) <b>тижорат</b> (етказилган товарлар бўйича тўловни кечиктириб тўлаш учун); 2) <b>молиявий</b> (олинган ссудани қайтиши бўйича кафолат бериш учун); 3) <b>банк</b> (тижорат банклари томонидан бўш пул маблағларини йиғиш учун).	1) асосий воситалар; 2) асосий воситалар; 3) мулк гарови.	1) юридик шахслар; 2) муниципалитет; 3) Марказий банк; 4) тижорат банклари; 5) хорижий ташкилотлар. <b>0,3 млрд. 13%</b>	Белоруссия валюта-фонд биржаси, Миллий банкнинг депозитарийси
5	<b>Қирғизистон</b> “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (12.08.1996й)	<b>молиявий</b> (олинган ссудани қайтиши бўйича кафолат бериш учун)	Гаровсиз (давлат томонидан кафолатланган)	1) Молия вазирлиги; 2) Давлат корхоналари <b>0,1 млрд.</b> Солиқдан озод этилган	Қимматли қоғозлар биржаси, Молия вазирлигида ҳисоби юритилди
6	<b>Тожикистон</b> “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (12.08.1996й)	<b>молиявий</b> (олинган ссудани қайтиши бўйича кафолат бериш учун)	Гаровсиз (давлат томонидан кафолатланган)	Молия вазирлиги <b>0,02 млрд.</b> Солиқдан озод этилган	Биржа орқали савдоси ташкил этилмаган

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки фақатгина векселнинг ҳажми Россияда 1,4 млрд. долл., Қозоғистонда 0,5 млрд долл., Беларусияда 0,3 млрд долл., Қирғизистонда 0,1 млрд долл., ва Тожикистонда 0,02 млрд. долларни ташкил этади. Россия, Қозоғистон ва Беларусияда вексель муомаласи қимматли қоғозлар бозорида асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда биринчи босқичда юқори барқарорлик рейтингига киритилган тадбиркорлик субъектларига кўшимча имкониятлар яратиш, уларнинг товар ишлаб чиқариш ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш мақсадида уларда векселларни чиқариш. Кейинги босқичда тижорат банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан векселларни барча шакллари чиқариш орқали иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятлари ошади.

### Векселнинг SWOT таҳлили

Кучли жиҳатлари	Заиф жиҳатлари
1. Арзон ресурс (кредитдан фарқли равишда 10-12 фоизгача арзон айланма маблағларни жалб қилиш имконияти яратилади. Товар таннархини 15 фоизгача арзонлаштиради,	1. Янги инструмент (векселлар молия бозори учун янги инструмент бўлганлиги сабабли унга нисбатан ишончсизлик бўлиши мумкин).

<p>рентабелликни 10 фоизгача оширади).</p> <p>2. Товар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради (товар айланмаси циклини тўхтатмасдан, 10 кун ичида маблағ жалб қилиш имкониятини беради. Банк кредитини олишга 2-3 ойгача вақт сарфланади).</p> <p>3. Тўлов воситаси (товарларни етказиб берганлик учун тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва 10-15 фоизгача дисконт даромадини келтиради).</p> <p>4. Мувофиқ шартлар (векселнинг қиймати, фоизи ва муддати корхона молиявий аҳволдан келиб чиқиб мустақил белгиланади. Банк кредити фоизи 25-30 фоизгача).</p> <p>Таъминланганлиги (векселларни корхона соф активларининг 50 фоизгача чиқаришга рухсат берилади ҳамда қонун билан халқаро конвенция билан белгиланган инструмент ҳисобланади).</p>	<p>2. Тўловсизлик risks (вексель берувчининг тўлов қобилиятсизлиги уни сўндиришда муаммо векселларни юзага келтириши мумкин).</p> <p>3. Инфратузилманинг мавжуд эмаслиги (электрон бозор, иккиламчи савдоси, котировкалари, мувофиқлаштирилиши ва назорати каби муаммоларнинг мавжудлиги).</p> <p>4. Солиқ тўлови (бугунги кунда акция ва облигациялар даромадлари солиқ имтиёзларига эга, қолган қимматли қоғозлар бўйича даромад солиғини тўлайди).</p> <p>5. Қонунчиликдаги муаммолар (қонунчиликда вексель берувчи банкрот бўлганда чиқарилган векселлар бўйича пулларни қайтариш тартиби ва муддатлари аниқ белгиланмаган).</p>
<p><b>Имкониятлар</b></p>	<p><b>Хавф-хатар</b></p>
<p>1. Банк кредитларига муқобил (векселларни чиқарилиши молия бозорида ресурсларни ўртача 5 пунктгача арзонлашувига таъсир кўрсатади).</p> <p>2. Электрон векселлар (векселларни электрон чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, харажатларни камайтириш ва қарорларни тез қабул қилиш имконияти бўлади).</p> <p>3. Вексель бозорини кенгайтириш (векселларни электрон тижоратини ривожлантириши ҳамда истикболда халқаро молия бозорларида сотилишини ташкил этиш мумкин бўлади).</p> <p>4. Векселларни янги турларини чиқариш (замонавий молия инструментлари “комбинацияси”да векселларнинг секьюритизация ҳамда товарларни олдиндан тўловлари учун ишлатиш мумкин бўлади). Норматив базани такомиллашуви (қимматли қоғозларга оид норматив-ҳуқуқий базалар амалиётдан келиб чиқиб такомиллаштирилади ва векселларнинг қафолати кучайтиради).</p>	<p>1. Молиявий нобарқарорлик (рецессия, инфляция юқори бўлганда векселларнинг молиявий қобилияти пасайиши ва тўловларига таъсир кўрсатиши мумкин).</p> <p>2. Муқобил қимматли қоғозлар билан рақобати (облигациялар, тижорат қоғозлари ва деривативларнинг ривожланиши векселларнинг жозибдорлигини пасайтириши мумкин).</p> <p>3. Жозибали кредитлар (кредитларнинг тезда ҳамда пасайтирилган ставкаларда берилиши векселларга эҳтиёжни камайтириши мумкин).</p> <p>4. Очиқликнинг йўқлиги (вексель чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари омма учун очиқланмайди ва инвестор корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида доимий маълумотга эга бўлмаслиги мумкин).</p> <p>5. Векселларнинг котировкалари (векселларнинг муомалада тез айланиши бўлмаганлиги сабабли уларнинг бозор котировкалари бўлмайди).</p>

**Хулоса ва таклифлар.** Векселларни муомалага киритиш бўйича таклифлар.

1) дастлабки босқичда (2024-2025 йилларда):

а) Векселларни тадбиркорлик субъектларининг юқори барқарорлик рейтингига (“AAA” – 483 та, “AA” – 1 454 та , “A” – 2 211 та) киритилган корхоналарга улар соф активининг 50 фоизига қадар 1 йилгача бўлган муддатда чиқариш;

б) фақат товар векселларни чиқаришга, яъни товар ишлаб чиқариш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун чиқариш;

в) оддий векселларни (икки субъект ўртасидаги ўзаро мажбуриятларни бажариш учун) электрон шаклда чиқариш.

Ишлаб чиқарувчиларга векселларни корхонанинг ўз маблағлари доирасида 90 кунгача бўлган муддатга чиқариш.

Бунда, корхонанинг ўз маблағларининг етарлилиги бўйича маълумотлар солиқ органларининг электрон базалари билан интеграция қилиниши асосида амалга ошириш.

Векселларни чиқариш ва бозорини ташкил этиш валюта биржасининг бирламчи ва иккиламчи савдоларида ташкил этиш.

2) кейинги босқичда (2026 йилдан бошлаб):

Векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шакллари чиқариш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ-387-сонли Қонуни. 2015 йил 3 июнь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январь.

3. Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-1738-сон 1997 йил. 19 март.

4. Агарков М.М. Қимматли қоғозлар доктринаси. "ВЕК." 1994;.

5. Киячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономист, 2005 г. – 687 с.;

6. Ниёзов З. Д., Максудов О. Ш., Каримова А. М. Кредитная поддержка инновационного развития деятельности турпредприятий // Scholar. – 2023. – Т. 1. – №. 32. – С. 171-179.

7. Соколов Д.В. Государство и право вестник чебоксарского кооперативного института. 2010. № 1 <https://cyberleninka.ru/journal/n/yuridi-cheskaya-nauka-i-praktika-vestnik-nizhegorodskoy-akademii-mvd-rossii>

8. Зияев А.Т., Тен В.А., Палванова И.П., Холмахмедов З.А.. Вексель. –Т. Шарк, 1996 йил. 16 б.

9. Элмирзаев С., Бўриев Ж., Абдурашидов Ф. Фонд бозорини ривожлантириш иқтисодий ўсишни жадаллаштириш омили. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил. – 9 бет.

10. <http://www.cbr.ru>-Россия Федерацияси Марказий банкининг расмий сайти.

11. <https://www.bss.uz/article/1276-qimmatli-qog'ozlar-bozori-veksellar-nima>.

<p style="text-align: center;"><b>З.Ниёзов, Ш.Давронов</b> <b>Увеличение финансовых ресурсов в экономике</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с обращением и продажей векселей и ценных бумаг, которые являются одним из источников привлечения дополнительных средств. В частности, подробно изложены научные и практические основы поэтапного выпуска хозяйствующими субъектами всех форм векселей.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> ценные бумаги, финансы, облигация, простой вексель, фондовый рынок, свободные деньги, эмитент, расширение бизнеса, банк, деньги, корпорация, финансовые ресурсы.</p>	<p style="text-align: center;"><b>Z.Niyozov, Sh.Davronov</b> <b>Increasing financial resources in the economy</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article discusses issues related to the circulation and sale of promissory notes and securities, which are one of the sources of attracting additional funds. In particular, the scientific and practical foundations of the phased issuance of all forms of promissory notes by business entities are described in detail.</p> <p><b>Keywords:</b> securities, finance, bond, promissory note, stock market, free money, issuer, business expansion, bank, money, corporation, financial resources.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.